



## БАНКРОТЛИК АМАЛИЁТИ ВА УНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ БҮЙИЧА МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

**Азимов Сайдумар Саидович**

*Тошкент Давлат иқтисодиёт ўниверситети  
мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Банкротлик амалиёти қарздорликнинг ундириш бўйича ишлар амалга оширилиб бўлганидан кейин амалга оширилади. Бу ўз навбатида ундирилиши эҳтимоли кам бўлган ҳамда тўлов қобилияти йўқолган шахслардан қарздорликларни ундиришини назарда тутади. Банкротлик асосида юридик ва жисмоний шахсларни тугатиш эса давлат бюджетидан ёки кредиторлардан маълум миқдорда харажатлар талаб этади. Шу сабабли, харажатларнинг самаралилиги ошириш ёки қарздорликни бошқа йўллар орқали ундириш механизмини талаб этади. Мақолада, ушбу йўналишлар ўрганилган бўлиб, натижаси бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** банкротлик, судсидаар жавобгарлик, бюджет, тадбиркорлик субъектлари, қарздорлик, тугатиш бошқарувчиси, қарздорликни қоплаш, тугатишга доир иш юритиш; сохта банкротлик, банкротликни яшириш, қасдан банкротликка олиб келиш, судлар, суд қарорлари.


## ПРАКТИКА БАНКРОТСТВА И ТЕКУЩИЕ ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

**Азимов Сайдумар Саидович**

*научный сотрудник Ташкентского государственного экономического  
университета*

**Аннотация:** Процедура банкротства проводится после завершения взыскания долга. Это, в свою очередь, предполагает взыскание долгов с лиц, взыскание которых маловероятно и которые потеряли платежеспособность. Ликвидация юридических и физических лиц по признакам банкротства требует определенной суммы расходов за счет средств государственного бюджета или кредиторов. Таким образом, эффективность затрат требует механизма привлечения или погашения долга с помощью других средств. В статье эти направления были изучены, и в результате были разработаны предложения.

**Ключевые слова:** банкротство, субсидиарная ответственность, бюджет, хозяйствующие субъекты, задолженность, ликвидационный управляющий, урегулирование задолженности, ликвидационное производство; фиктивное банкротство, скрытие банкротства, преднамеренное банкротство, иски, судебные постановления.





## BANKRUPTCY PRACTICE AND CURRENT PROBLEMS AND THEIR SOLUTIONS

**Azimov Saidumar Saidovich**

*Researcher of Tashkent State University of Economics*

**Annotation:** *Bankruptcy practice is carried out after debt collection is completed. This, in turn, involves the collection of debts from individuals who are unlikely to be collected and who have lost their ability to pay. Liquidation of legal entities and individuals on the basis of bankruptcy requires a certain amount of expenses from the state budget or creditors. Therefore, cost effectiveness requires a mechanism to raise or recover debt through other means. In the article, these directions have been studied, and proposals have been developed as a result.*

**Keywords:** *bankruptcy, judicial liability, budget, business entities, indebtedness, liquidation manager, debt settlement, liquidation proceedings; fake bankruptcy, cover up bankruptcy, willful bankruptcy, lawsuits, court orders.*

### КИРИШ.

Республикамизда юридик шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабарини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан олти ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Бунда, Банкротлик тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади ҳамда банкротлик ишлари умумий тартибда ёки соддалаштирилган тартибда тугатиш бошқарувчилари томонидан амалга оширилади.

Умумий тартибдаги қарздор-юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

келишув битими;

ташқи бошқарув;

тугатишга доир иш юритиш;

банкротликнинг қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа таомиллари.


Қарздор-жисмоний шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

келишув битими;

тугатишга доир иш юритиш;

банкротликнинг қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа таомиллари.

Қарздор-жисмоний шахс ёки амалда ўз фаолиятини тугатган қарздор-юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва унинг қаердалигини аниqlашнинг имкони бўлмаган тақдирда, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар кредитор, банкротлик тўғрисидаги





ишлиар бўйича давлат органи, солиқ органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мумкинлиги қайд этилган.

Барча тоифадаги ишлиар бўйича давлат бюджети ёки кредиторлар томонидан харажатлар амалга оширилади. Шу сабабли, мазкур маблағларни оқилона ва самарали ишлатилиши зарур.

Бундан ташқари бюджет олдидағи қарздорликлар бўйича дебитор қарздорликлар ҳам ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олган ҳолда ушбу қарздорликларни субъсидиар тартибда ундириш амалиётини кенг йўлга қўйишни тақазо этади.

### **Адабиётлар шархи.**

Банкротлик бўйича илмий иш олиб орган хорижий олимлар банкротлик тўғрисида турли фикрлар келтирган бўлсада, уларнинг умумий ҳусусиятлари кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва бир вақтнинг ўзида қарздор корхоналарнинг тугатилишини олдини олиш. Яъни кредитор ва қарзлорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш орқали макроиқтисодий мувозанатларни таминлашни кўзда тутган.

В.Б.Степанов Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мақсади нафақат кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш (банкротлик тўғрисидаги иш юритиш, албатта, банкротлик тўғрисидаги қонун ва жараённинг асоси бўлиб қолади), балки инсоният жамиятининг ҳётий фаолиятини таъминловчи макроиқтисодий муаммоларни ҳал этишдан иборатлигини қайд этган.<sup>1</sup>

Шунга кўра, ишлаб чиқилган банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида қарздорнинг (мол-мулкини) тугатиш эмас, балки унинг корхонасини сақлаб қолишга, унинг тўлов қобилиятини тиклашга ва шу асосда кредиторлар билан қарзларни тартибга солишга қаратилган тартибларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича янги тенденция пайдо бўлди.<sup>2</sup>

### **Тадқиқотнинг методологияси**

Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, омилли таҳлил, сўров, танланма қузатув таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Айнан мазкур мақола доирасида 1000 дан ортиқ банкротлик ишлари ўрганилган. Субсидиар тартибда ундириш бўйича судларнинг қарорлари exsud.uz сайти орқали танланма қузатув асосида ўрганилган.

### **Таҳлил ва натижалар мухокамаси.**

Мазкур амалиётда қарздорликнинг энг кам миқдорлари белгиланмаганлиги сабабли амалиётда кичик миқдордаги (*10000 сўм ва ундан кам суммалик*) қарздорликларни ҳисобдан чиқариш учун ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 7,03 баравари миқдорида сарф харажат қилинишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида

<sup>1</sup> Степанов В.В. Несостоятельность (банкротство) в России, Франции, Англии, Германии. М., 1999. С. 23.

<sup>2</sup> Колиниченко Е.А. Признаки банкротства в Великобритании, США, Германии, Франции и России (сравнительный анализ) // Вестник ВАС РФ. 2000. № 8. С.103.





бугунги кунга келиб, суд бошқарувчиларига тўланиши лозим бўлган маблағлар ўз вақтида тўланмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда корпоратив бошқарув сифатини яхшилаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий аҳволи барқарорлиги юзасидан уларнинг раҳбарлари ва мулкдорларининг масъулиятини ошириш, шунингдек сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келинган ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидалари белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 48-моддасида юридик шахснинг ночорлиги унинг банкротлиги сифатида таснифланган. Шунингдек, юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкинлиги қайд этилган.


Суд тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг банкротлик тўғрисида иш қўзғатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолиятини Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш юзасидан таҳлил қилиши белгиланган.

Ушбу давр амалиётда корхоналардан қарздорликни ундириш (*талафонома, даъво аризаси, суд жараёни, қарор асосида мажбурий ижро қилиш*) тадбирлари жараёнига тўғри келади. Шу сабабли тугатиш бошқарувчilari томонидан қарздорнинг банкротлик тўғрисида иш қўзғатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолияти бўйича таҳлилда сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш имкониятини чеклайди.

**Масалан, "A" МЧЖнинг 1,2 млрд.сўм қарзи банкотлик асосида 2020 йилда тугатилган. Корхона раҳбарлари ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 227-моддаси 2-қисми "а" банди билан 2016 йилда жиноий иш қўзғатилган. Даъвогар коронанинг раҳбари ва таъсисчисини субсидиар жавобгарликка тортиши учун даъво аризаси киритган.**

**Суд томонидан даъво талабларини, тугатув бошқарувчиси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарор асосида қасдан банкротликка олиб келиш аломатлари бўйича хуроса бермаганигини қайд этиб, даъво рад этилган.**

**Изоҳ:** Мазкур қарорнинг 4-бандида Суд бошқарувчиси қарздорнинг банкротлик тўғрисида иш қўзғатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолиятини таҳлил қилиниши белгиланган. Корхона эса ушбу даврда фаолият юритмаган.





Бундан ташқари, “ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган ҳолатлар” судлар томонидан амалиётда турлича талқин қилинмоқда. Масалан,

- жиноий ёки маъмурий жазо чора қўлланилмалиги;
- Жиноий кодекснинг 181-1-моддаси билан қасдан банкротликка олиб келиш билан айбланмаганлиги;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарори асосида тугатиш бошқарувчиси томонидан қасдан банкротликка олиб келиш аломатлари бўйича хулоса бермаганлигини қайд этмоқда.

Шунингдек, корхона раҳбари ёки шу корхонага боғлиқ бўлган бошқа масъул шахслар томонидан қонун бузилиши натижасида қарздорлик юзага келган ҳолатларда (*амалдаги тартибга асосан фақат айби мавжуд бўлган таъсисчилар жавоб бериши лозимлиги белгиланган*) улардан қарздорликни субсидиар ундириш қонунчиликда назарда тутилмаган.

**Масалан, “Б” МЧЖнинг 1,1 млрд.сўм қарзи банкотлик асосида тугатилган.** Корхона раҳбарига ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми, 205-модда 2-қисми, “а” ва “б” бандлари билан жиноий иш қўзғатилган. Даъвогар корхонанинг раҳбарини субсидиар жавобгарликка тортиш учун даъво аризаси киритган. Суд томонидан Фуқаролик кодексининг 48-моддасига асосан субсидиар жавобгарлик **муассис (иштирокчи)** сифатидаги шахсга ёки юридик шахс **мол-мулки мулкдорига** қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилиб, даъво талаблари рад этилган.

*Изоҳ:* Корхона раҳбари барча ноқонуний операцияларни бажарсада, судсидаар жавобгарликка тортилмайди. **Муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юридик шахснинг начорлиги (банкротлиги) вужудга келтирилмаганлиги сабабли у ҳам жавобгарликка тортилмайди. Шу сабабли қарздорлик бўйича ҳеч ким субсидиар жавобгарликка тортилмаган.**

### Хулоса ва таклифлар.


Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш таклиф этилади:

**1.** Солиқ қарзи базавий ҳисоблаш меъёрларининг 40 бараваридан кам бўлган қарздорларни суд амалиётисиз Давлат хизматлари марказлари орқали марказластирилган тарзда тугатиш тартибини жорий қилиш. Бунда,

- Мажбурий ижро бюроси томонидан мулки мавжуд эмаслиги тўғрисида ижро варақалари ундирувчига қайтарилганлиги;

- Солиқ органлари қарздорни камерал солиқ текширувидан ўтказиши натижасида асосий воситалар ва товар моддий бойликларни банкдан ташқари айланмалар орқали сотилмаганлиги бўйича хулоса тайёрланиши;

- Фуқаролик судлари қарорлари билан юридик шахснинг кредитор қарздорлигини ундириш унинг муассисига (иштирокчи), мулкдорига ёки





қарздорликни юзага келишига сабабчи бўлган шахсларга субсидиар тартибда қаратилганилигини назарда тутиш.

**2.** Юридик шахснинг “ночорлиги (банкротлиги)” жумласини юридик шахснинг “ночорлиги (банкротлиги) ёки давлат ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасизлиги бўйича ижро ҳужжатлари ундирувчига қайтарилиганда” жумласига;


- “...кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса...” жумласини “...кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг, корхона раҳбари ёки шу корхонага боғлиқ бўлган бошқа масъул шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса...” жумласига ўзгартириш орқали, айбдор шахслардан қарздорликларни ундириш қамровини кенгайтириш.

**4.** Суд бошқарувчилари томонидан агар юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки эгасининг ёхуд қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклаш.

**5.** Соддалаштирилган тартибдаги банкротлик ишлари бўйича суд тугатиш бошқарувчиларига ойлик иш ҳақи учун бюджетдан маблағ ажратиш амалиёти бекор қилинган ҳолда, даъвогар томонидан даъво ариза киритилиши билан бирга тўлаш амалиёти жорий этиш.

**6.** Битим нархи ва (ёки) ундаги бошқа шартлар айнан шунга ўхшаш тузилган битим билан солиширилганда қарздорнинг ҳолатини жиддий равища ёмонлаштиrsa, қарздорнинг мол-мулкини ҳадя қилиш шартномалари ҳамда тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берилишидан олдинги ўттиз олти ой ичida қарздор юридик шахс томонидан тузилган, қарздорнинг иштирокчиси қарздорнинг иштирокчилари таркибидан чиққанлиги муносабати билан унга мол-мулқдаги улушкини тўлаш (*ажратиб бериш*) билан боғлиқ бўлган битим суд бошқарувчисининг ёки кредиторнинг аризасига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши ва битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланилиши жорий этиш.

**7.** Жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги муносабатларига нисбатан ҳам банкротлик амалиётини қўллаш амалиётини йўлга қўйиш.





## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори

4. Александров И. М. (2009) Налоги и налогообложение: Учебник / И. М. Александров. —10-е изд., перераб. и доп. —М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 228 с.3.

5. Ефимова Е.Г., Поспелова Е.Б. (2014) Налоги и налогообложение: Учебное пособие. -М.: МИИР, -235с.

6. Милякова Н.В. (2008) Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп.-М.: ИНФРА, С.33 Milyakova N.V. (2008)

7. Рахматуллаева Ф. (2016) —Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодиётни рағбатлантиришдаги роли. Молия илмий журнали №2/ 108 бет.

8. АКурбанов З., Акрамов Ф. (2015) —Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари. Бизнес-эксперт илмий журнали №9

9. Завалишина И.А. (2005) Солиқлар: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. -14 б.

10. Сравнение эффективности налоговых льгот в индустриально развитых странах.—<http://council.gov.ru/media/files/41d4df1fc7427347f5a7.pdf>. 2.10.2019.

11. <https://www.vestifinance.ru/articles/103651>. 04.10.2019.

12. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси-Тошкент:Faфур Гулом нашриёт уйи 2020.-640 б.

13. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz).

14. Слагода В.Г (2010) Краткий словарь экономических терминов / сост. -М.: ФОРУМ. -128 с.

15. Тютюрюков Н.Н., Тернопольская Г.Б., Тютюрюков В.Н. (2009) Налоговые льготы и преференции: цель -одна, а механизм -разный // Налоговая политика и практика. N 10. С. 18-23.

16. Милякова Н.В. (2008) Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп.-М.: ИНФРА, С.33 Milyakova N.V.

17. Постановление Правительство Российской Федерации от 12 апреля 2019 г. № 439, Москва Об утверждении Правил формирования перечня налоговых расходов Российской Федерации и оценки налоговых расходов Российской Федерации.

